УДК 613.2.614.31:833

ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ИШЧИЛАРНИНГ САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИ, КАСАЛЛАНИШЛАР СТРУКТУРАСИ, ЁШ ҲАМДА ИШ СТАЖИНИНГ ТАЪСИРИ.

Х.О.Қосимов

Бухарский государственный медицинский институт

E-mail: X.O.Qosimovkasimov.xayriddin@bsmi.uz

Аннотация: в статье рассмотрено состояние здоровья работников животноводческих комплексов и ферм, возраст и стаж работы, особенности распространения заболеваний, приведены сведения о обращениях за медицинской помощью и периодических медицинских осмотрах всего 70 работников, занятых в животноводстве в г. разные направления. Среди болезней рабочих ведущее место занимают респираторные, аллергические, костно-мышечной системы, инфекционные болезни. В заключении статьи прогнозирование риска развития различных классов заболеваний в зависимости от возраста и стажа работы позволяет разработать наиболее эффективные меры профилактики.

Ключевые слова. Животноводческие комплексы, возраст, стаж, состояние здоровья, заболеваемость, факторы риска, временная нетрудоспособность.

Annotation: The article discusses the health status of workers in livestock complexes and farms, age and length of service, the characteristics of the spread of diseases, provides information on seeking medical help and periodic medical examinations of a total of 70 workers employed in animal husbandry in different directions. Respiratory, allergic, musculoskeletal, and infectious diseases occupy a leading place among workers' diseases. In the conclusion of the article, predicting the risk of developing various classes of diseases depending on age and work experience makes it possible to develop the most effective preventive measures.

Key words. Livestock complexes, age, length of service, health status, morbidity, risk factors, temporary disability.

Аннотатсия: Мақолада чорвачилик комплекслари ва фермаларда ишловчи ишчиларнинг саломатлик ҳолати, касалликлар тарқалишининг ёш ва иш стажга хос хусусиятларини ўрганилди, турли йўналишда чорвачилик билан шуғулланувчи жами 70 та ишчиларнинг тиббий ёрдамга мурожатлари ва даврий тиббий кўриклари маълумотларини ўз ичига олади. Ишчиларининг касалланишлари орасида нафас азолари, аллергик, скелет-мушак системаси, юқумли касалликлари етакчи ўринни эгаллаганлиги кўрсатиб ўтилган. Мақолани хулоса қисмида турли касалликлар синфларини ривожланиш хавфининг ёш ва иш стажи давомийлигига боғлиқ ҳолда башорат қилиш энг самарали профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

ISSN 3030-3907

Калит сўзлар. Чорвачилик комплекслари, ёш, иш стажи, саломатлик ҳолати, касалланиш, хавф омиллари, вақтинча меҳнат қобилятини йўқотиш.

Кириш

Чорвачилик қишлоқ ҳўжалиги тармоқларининг таянчи хисобланади, бугунги кунда республикамизда жами 18 032 та чорвачилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан 7614 таси қорамолчилик, 3 263 таси қўй ва эчкичилик, 142 таси йилқичилик, 52 таси туячилик, 1163 таси паррандачилик, 4 829 таси балиқчилик, 715 таси асаларичилик ва 254 таси қуёнчилик йўналишида ташкил этилган.[1,].

2021 йилда барча тоифадаги хўжаликларда парвариш қилинаётган қорамолларнинг 91,8 фоизи (2018 йилда 95,5 фоиз) аҳоли хонадонларига, 8,2 фоизи (2018 йилда 4,5 фоиз) фермер хўжаликларига тўғри келган. [3]

Маълумки, Ўзбекистонда чорвачилик кенг ривожлантирилмоқда. Чорвачилик сертармоқ бўлишига қарамасдан, чорвадорлар меҳнатида умумий қаршиликлар бор. Чорвадорлар молхонада тўпланган ҳар хил гали ҳаводан нафас оладилар, мушакларга зўр келадиган оғир жисмоний меҳнат қиладилар. Бундан ташқари, бази бир касалликлар (бруцеллёз) куйдирги сил ва бошқалар) ҳайвонлардан одамга юқуши мумкин. Молхона ҳавоси асосан вадород сулфид, карбонат кислата ва аммиак билан ифлосланади. [2,3]

Меҳнат жараёнларинг ўзига хослиги ва хавфли ва зарарли омиллар биргаликда таъсири умумий касалланиш ва кўпайишига ва касб касалликларининг ривожланишига олиб келади. Касб касалликларига зооантрапонозлар, (бруцелёз, куйдирги), гижжалар, дерматитлар, аллергик касалликлар, микозлар (оёқ панжалари ва кафтларда, сочда), қўл билан сут соғувчиларда касбий нейтромикозитлар, периферик ангионеврозлар ҳосил бўлади. Бу касалликларга–алоҳида мускулларнинг таранглашиши, мажбурий тана ҳолати сабаб бўлади.[19.20] Демак турли хил касб вакилларининг саломатлик ҳолатини бузилиши ва касб касалликларининг ривожланишига асосий сабаб, ноқулай меҳнат шароитлари ҳисобланади [4].

Молхоналарда ишловчи ходимларининг меҳнат шароитлари бир қатор зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари орасида асосан юқори даражадаги чанг, турли хилдаги газлар, ҳаддан ташқари совуқ ва ёзнинг жазирама иссиқ, шовқин, тебраниш ва ноқулай микроиқлим, меҳнатнинг оғирлиги билан тавсифланади, уларнинг даражалари гигиеник меёрлардан сезиларли даражада ошади [5,7,8].

Меҳнат шароитларини доимий равишда яхшилаш ва шахсий ҳимоя воситаларини такомиллаштириш деярли барча ишчиларининг зарарли ишлаб чиқариш омилларининг тасирига қисман тўсқинлик қилади [18.19.20]]. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ишчиларнинг саломатлик ҳолатига нафақат

ISSN 3030-3907

зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллар, балки уларнинг турмуш тарзи ва шароити, зарарли одатлари (тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш), инсоннинг табиий биологик қариш жараёнлари ва бошқалар хам тасир кўрсатади [9,11].

Зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш шароитларида ишлайдиган ишчиларнинг саломатлик ҳолатининг бузилиши ва касалликлар синфлари орасида суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари устунлик қилади [3,5,6].

Шу билан бирга, нафас олиш аъзолари ва юқумли касалликлари ҳам чорвачилик йўналишидаги ишчилари орасида кенг тарқалган [9,11].

Зарарли меҳнат шароитларида ишлаш давомийлигининг ортиши (иш стажи) қон айланиш, суяк-мушак тизими, нафас олиш органлари касалликлари билан касалланиш кўрсаткичларининг динамикада сезиларли даражада ортиши кузатилган [7].

Амалга оширилган ишлар ишчиларнинг ёши ва иш стажини ҳисобга олиш касб касалликлари ривожланиш хавфини минималлаштиришнинг муҳим элементи ҳисобланади. [9,10].

Тадқиқотнинг мақсади: чорвачилик комплекслари ва фермаларда ишловчи ишчиларининг саломатлик ҳолати, касалликлар ривожланишига ёш ва иш стажининг таъсирининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш [2,5].

Материал ва усуллар:

Чорвачилик комплекслари ва фермаларда **ишловчи** 70 нафар ишчиларнинг даврий тиббий кўрикдан ўтказиш маълумотлари, амбулатория карталари ва ишчиларнинг касаллик варақалари асосида уларнинг касалланишларини ўрганидик (2017-2022 йиллар). [11,12]


Ишчиларнинг саломатлик ҳолати, умумий касалланиш кўрсаткичларини ёш ва иш стажига боғлиқ холда динамикада ўзгаришини ўрганиш мақсадида бешта (20-35 ёш, 36-45 ёш, 46-55 ёш, ундан катта) ва олтита стаж гурухларини (5 йилгача, 10-15 йил, 21-25 йил, 26 йил ва ундан юқори) тузиб олдик.[15.16.17] Ишчиларнинг саломатлик ҳолати экстенсив ва интенсив кўрсаткичлар бўйича баҳоланди (касалликларнинг мутлоқ сони, умумий касалланишдан касалликлар синфларининг улуши %, 100 та ишчига тўғри келадиган касалликлар ҳоллар ва кунлар сони).

Тадқиқот натижалари чорвачилик комплекслари ва фермаларда ишловчи 70 нафар ишчилари ўрганилди. Уларнинг 79,2 % эркак ва 20,8 % аёллар ташкил этди, ўртача ёши 38,58± 0,28 йил ва ўртача умумий иш стажи 13,19 ± 0,2 йил.

Ишчиларнинг касб гуруҳлари бўйича таҳлил қилганимизда озуқа тайёрлаш сехида ишловчилар 42,0%, сут соғувчилар 18,7%, чорва

ISSN 3030-3907

боқувчилар 15%, тракторчи 2,5%, оператр 2,8%, ветеринар1,4 техник 2.6%, электромантёр 2,0%, лабаратория 3,9% ва бошқа мутахассисликлар 9,1% ни ташкил қилди.



Расм 1. Ишчиларнинг ёш ва иш стажи бўйича тақсимланиши.

Ишчиларнинг ёш гурухлари ортиши билан боғлиқ ўзига ҳос ҳусусиятларни ўрганиш, уларнинг саломатлик ҳолатида, касалланишларнинг структураси ва даражасида кузатиладиган сезиларли ўзгаришларни аниқлаш имконини берди (жадвал 2).[18],

Ишчиларнинг 25-39ёш (ўртача ёши 29,4 ± 0,1 йил) гуруҳи касалланиш кўрсаткичларининг нисбатан пастлиги қолган ёш гурухларининг касалланиш кўрсаткичларига баҳо бериш ва статистик қайта ишлаш учун асос бўлди.

Жадвал 1

Турли ёш гурухдаги ишчиларнинг саломатлик ҳолати

Кўрсаткичлар	Ёш				
	20-35	**36-45**	**46-55**	**60 <**	**жами**
Ўртача ёш, йиллар	24,21 ± 0,1	44,36 ± 0,14	54,01 ± 0,154	62,05 ± 0,27	38,58± 0,28
Ўртача стаж, йиллар	6,07±	17,51 ±	21,91 ±	23,94 ±	13,19 ±
70 та ишчига тўғри келадиган касалланиш ҳолатлар сони сони,ҳолатлар	148,3 ± 4,2	244,7 ± 7,8	296.1 ± 14,8	285,0 ±29.	218,7±7,2
Битта касалликнинг ўртача давомийлиги	6,4 ± 0,68	7,8 ± 1,4	13,1 ± 1,6	11,2 ± 1,7	9,2±0,7
Амалий соғлом ишчилар %	18,5±1,72	11,2±1,4	12,6±1,85	4,5±3.2	15,8±1,62

46-55 ёш гуруҳида (ўртача ёши 34,49 ± 0,12 йил) 36-45 ёш гуруҳига нисбатан касалликлар сонининг кўпайиши ва саломатлик индехда пасайиш кузатилди (p<0,05). Касалланишлар структураси ва даражаси бўйича нафас аьзолари касалликлари, нерв тизими касаликлари, юқумли касалликлари,

ISSN 3030-3907

суяк-мушак тизими ва бириктрувчи тўқима касалликлари етакчи сифларга айланди (p<0,05).[15,16,17].

Жадвал 2

Касалликларнинг асосий синфлари ва ёш гуруҳлари бўйича ишчилар касалланишининг улушлари (% да)

Касалликлар синфи	20-35 ёш (n = 518)	36-45 ёш (n = 449)	46-55 ёш (n = 417)	60 ёш < (n = 66)
I. Баьзи инфекцион ва паразитар	3,1 ± 0,5	0,7 ±0,4	0,2 ± 0,3	
II. Қон ва қон яратувчи аьзолар	1,4 ± 0,6	1,5±0,6	0,4 ± 0,3	
III. Нерв тизими касаликлари	8,2 ± 1,2	13,1 ±1,6	12,7 ± 1,4	13,5 ± 4,1
IV. Кўз ва унинг қўшимча аппарати	6,0 ± 1,0	3,0 ±0,9	3,6 ± 0,8	4,2 ± 2,7
V. Қон айланиш тизими касалликлари	0,5 ± 0,3	2,2 ±0,7	7,2 ± 1,2	31,8 ± 5,7
VI. Нафас аьзолари касалликлари	40,9 ± 2,2	32,8 ±2,2	26,3 ± 2,1	16,7 ±4,6
VII. Суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари	6,1 ±1,0	11,2 ±1,5	13,4 ± 1,7	7,8 ± 3,3
VIII.Ташқи сабаблар тасирининг жарохатлари, захарланишлар ва	9,0 ± 1,3	9,7 ±1,4	20,7 ± 2,0	2,1 ± 1,8
Бошқа касалликлар	0,6 ± 0,3	1,6 ±0,6	0,5 ± 0,3	2,1 ± 1,8
Жами	70,0	70,0	70,0	70,0

46-55 ёш гурухида (ўртача ёши 44,36 ± 0,14 йил) 20-35 ва 36-45 ёш гуруҳига нисбатан 100 та ишчига нисбатан касаллик ҳоллари 1,5 мартага ортди ва амалий соғлом ишчилар сони 1,6мартага пасайди. Суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари, қон айланиш, нерв тизими касалликлари ўсишда нафас аьзолари касалликлари камайиб бориши кузатилди(p=0,05)[14].

Шундай қилиб, тадқиқотнинг биринчи қисми шуни кўрсатдики, 30 ёшдан кичик ишчиларнинг 1/5 қисми амалий соғлом ишчилардир. Уларнинг касалланишлар структураси ва даражаси бўйича нафас олиш касалликлари,

ISSN 3030-3907

ташқи сабаблар тасирининг жарохатлари, захарланишлар ва айрим бошқа оқибатлари, овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари ва нерв тизими касаликлари устунлик қилади. 46-55 ёш гурухлари орасидаги ишчиларнинг саломатлик кўрсаткичларининг ёмонлашиши кузатилади[13,14].

Хулоса

Ишчиларнинг саломатлигининг дастлабки ҳолати ва унинг турли иш стажлари билан ўзгариши тўғрисидаги маьлумотларни умумлаштириб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:[6].

1. Ёш ва иш стаждаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда саломатлик ҳолатини ўрганиш ишчиларда ташқи сабаблар тасирининг жарохатлари, захарланишлар ва айрим бошқа оқибатлари нерв тизими ва қон айланиш тизими, суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари хавфи ортиб бораётганини кўрсатди. Шу билан бирга, кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари, нафас аьзолари касалликлари, ҳазм аьзолари касалликлари, тери ва тери ости клечаткаси касалликлари, баьзи инфекцион ва паразитар касалликларининг аҳамияти ёши ва иш стажининг ошиши билан камаяди.

2. Турли хил синф касалликларнинг ривожланиш хавфининг аниқлашда ёш ва иш стажи даврлари белгиланиши энг самарали профилактика чора тадбирлардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ibrohimov K.I. The Meal of The Students // Indonesian Journal of Public Policy Review //. Vol 18 (2022): April -P 1-5

2. Ibrohimov K.I., Features of Lobor in Agriculture//CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. Voleme: 02 Issue:07| Jan-Feb 2022 ISSN: 2660-4159. Page 87-91

3. Ibrohimov K.I. Hygienic Features of Sorting and Spinning in the Production of Wool // MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN // . VOLUME 22 Mar 2022 ISSN 2694-9970. -P12-15

4. Manasova I.S., KosimovKh.O. Hygienic aspects of the possibility of using the new insecticide Seller in agriculture //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. - 2020.- R. 336-342

5. Manasova I. S., Distance Education: Illusions and Expectations//MIDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN VOLUME: 20 Jan 2022 ISSN 2694-9970 P-184-186.

6. Манасова И.С. Гигиенические Аспекты Мукомольного Промышленности.// AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI\\.ISSN: 2181-3464 Volume 1 No.6 2022 S-100-106.

ISSN 3030-3907

7. Manasova I.S., Academicia An International Multidisciplinary Research Journal. Features of labor of workers in agro-industrial labor 10.5958 2249-7137.2020.01622.5 .c.958-962
8. Manasova I.S., Academicia An International Multidisciplinary Research Journal. Analysis of working conditions by parameters of the physiological state of workers cotton plant 10.5958 / 2249-7137.2020.01634.
9. Manasova I. S. ANATOMICAL AND PHYSIOLOGICAL FEATURES OF DEVELOPMENT.\\ Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning.ISSN: 2776-0995 Volume 3, Issue 1, Jan, 2022 P-127-131.
10. .Manasova I.S., Mansurova M.Kh., Youth's Look For A Healthy Lifestyle // Central asian journal of medical and natural sciences. Volume: 02 issue: 02 March –april2021 ISSN; 2660-4159.P.149-153.
11. Manasova I. S., Analysis of students opinions on the basic components of healthy lifestyle\\/ Doktor Axborotnomasi. 2021, No. 1 (98) ISSN 2181-466X.[12]
12. Ibrohimov K. I. Health State of Workers of Cotton Enterprises, Structure of Diseases, Influence of Age and Work Experience. //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI//. 2022/10/12 ISSN: 2181-3464.-P55-59
13. Zokirov V.Z., Manasova I.S. Analysis of working conditions by parameters of the physiological state of workers cotton plant. // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – P. 1297-1301.
14. 15.Zokirov V.Z., Yuldasheva D.H., Muxamedova Z.R. Assessment of comparative analysis of the course of non-alcoholic fatty liver disease in middle-aged and elderly patients who suffer covid-19 through ultrasound elastometry (via fibroscan). // World Bulletin of Public Health (WBPH) Available Online. Vol.5. December-2021 – P. 64 – 66
15. 16.Zokirov V.Z. (2021). Chronic liver disease and covid-2019 (literature review and own data) // research journal of trauma and disability studies. Vol.1. December-2021 – P. 1–6
16. 17.Zokirov V.Z. Comparative analysis of the results of laboratory-biochemical analysis in middle-aged and elderly patients with non-alcoholic fatty liver disease after covid-19 // Art of Medicine. International Medical Scientific Journal // 2022 – P. .
17. 18.Zokirov V.Z., Yuldasheva D.H. COMPARATIVE ASSISMENT OF CLINICAL SYMPTOMS OF NON-ALCOHOL FATTY LIVER DISEASE IN MIDDLE AND OLD PATIENTS WITH COVID-19 // British Medical Journal. // 2022-P.347-351.
18. 19.Zokirov V.Z. Assessment Of Comparative Analysis Of The Course Of Non-Alcoholic Fatty Liver Disease In Middle-Aged And Elderly Patients Who Suffer

ISSN 3030-3907

Covid-19 Through Ultrasound Elastometry (Via Fibroscan) // International Journal of Formal Education // 2022– P. 1-5.
19. Zokirov V.Z. Jigarning Noalkagol Yog'Xastaligi: Muammolari Zamonaviy Qarashlari // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI // 2022– P. 11-16.

ISSN 3030-3907